O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 12 сентябрь, шанба • № 71 (11.054) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 сентябрь куни Франциянинг «Суэз Лионез дез О» компанияси гуруҳлари назорат кенгашининг раиси Жером Моно бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Биз компаниянгиз амалга ошираётган ишлардан яхши хабардормиз, — деди Ислом Каримов. — Европадаги йирик молиявий-саноат тузилмаларидан бири бўлган мазкур компания амалга ошираётган лойиҳалар эътиборга молик. Сув хўжалиги, сувни тозалаш каби лойиҳалар бўйича «Суэз Лионез дез О» билан ҳамкорлик қилиш биз учун фойдалидир.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, сув хўжалиги, энергетика, кўчмас мулк, оқава сувларни қайта тозалаш ва коммуникация каби соҳалар доирасида фаолият кўрсатувчи мазкур компания сув хўжалиги бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Тобиий газ тақсимлаш соҳасида эса Европада иккинчи ўринни эгаллайди. 1997 йил якуни бўйича компаниянинг капитали 48 миллиард франкни ташкил этган.

Жером Моно самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдирди. У «Суэз Лионез дез О» компанияси Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини айтди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан ҳамкорлик мазкур компаниянинг Марказий Осиё бозорларига кириб келиши учун қулай омилдир.

1998 йил 9 апрелда Ўзбекистон билан Франция ҳукуматлари ўртасида мамлакатимизда сув хўжалиги соҳасидаги учта лойиҳани амалга ошириш учун 8,6 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш тўғрисида ҳужжат имзоланган эди. Бу лойиҳалар — Мўйноқ шаҳрида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминловчи мосламаларни ўрнатиш, Самарқанд шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва сув тақсимоти ишларини замонавийлаштириш, Жанубий Мирзачўл каналида сув ҳисоби ва тақсимотини бошқаришни автоматлаштириш каби ишларни ўз ичига олган. «Суэз Лионез дез О» компанияси мазкур лойиҳаларнинг иштирокчисидир.

Мулоқот чоғида Ўзбекистондаги турдош корхоналар билан мазкур компания ўртасида сув таъминоти ва сувни тозалаш ишлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош возир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқарувининг раиси Р. Азимов иштирок этди.

(ЎзА).

КАТТА машаққатлар эвазига ғўза ўстириб, ҳосил етиштирган деҳқон теримини қай пайтда бошлаб, режани бажариш учун нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисида аниқ бир қарорга келиб олиши ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги ҳисобчиси Фарҳод Файзиев ва бош ҳосилот Тожибой Бозорбоевлар пахтазорни кўздан кечираётиб ана шу ҳақда маслаҳатлашмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

БУНИСИ ЎРТАЧИРЧИКДА

ВИЛОЯТДА кексаларни эъзозлаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Шу йил бошида Қибрай туманида «Нуронийлар оромгоҳи» фойдаланишга топширилган эди. Бу ташаббусни бошқа шаҳар ва туманлар ҳам қўллаб-қувватлашмоқда.

Куни кеча Ўртачирчиқ туманида ана шундай маскан иш бошлади. Бу ерда бир йўла 20 нафар кексалар саломатликларини тиклашлари ва хордиқ чиқаришлари мумкин.

Саид ВАЛИЕВ.

ЯНГИЛИККА — МУКОФОТ

БЕКОБОДДАГИ автобус-такси саройи жамоаси шаҳар фуқароларига хизмат қилишда ҳар хил русумдаги транспорт воситаларидан фойдаланмоқда. Улар орасида Туркияда тайёрланган «Белда — 214—17 В» автобуслари ҳам бор. Вақт ўтиши билан уларнинг айримлари эскирди, яроқсиз ҳолга келиб қолган қисмларини алмаштиришга тўғри келмоқда.

Айниқса, двигателини таъмирлаш катта муаммо бўлиб қолди. Чунки, заҳирада у йўқ эди, янгисини олиб келиш учун эса мўмайгина маблағ керак эди. Оқибатда айрим шундай автобуслар тўхтаб қолди. Янгилик изловчилар бу муаммони ҳал қилишга киришдилар. Ҳайдовчилардан Алижон Зокиров ва Абдусаттор Зоировлар унинг йўлини топдилар. Улар автобусларга ЯМЗ — 236 двигателини ўрнатишни таклиф қилишди. Амалда у синовдан яхши ўтди. Биргина шу таклиф туфайли ҳар бир автобус бўйича 135,5 минг сўмдан ортиқ маблағ тежаш имкони туғилди. Янгилик ихлосмандлари ҳам бундан моддий манфаат кўрдилар, уларнинг ҳар бирига 12 минг 100 сўмдан мукофот пули берилди.

Собир МАҲМУДОВ.

ХИЗМАТДА ЎТТИЗ ЙИЛ

ВИЛОЯТИМИЗДА ягона троллейбус депоси бор. У ҳам бўлса Олмалиқда жойлашган. Ўттиз йилдан бери шаҳар аҳолиси унинг хизматидан фойдаланмоқда. Депо жамоаси олмалиқликлар узоғини яқин, оғирини енгил қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Троллейбуслар дастлабки йили бор-йўғи ўнта бўлиб, фақат, бир йўналишда қатнар эди. Кейинчалик депо кенгайиб, ундаги троллейбуслар кўпайиб борди, натижада, янги-янги йўналишлар очилди. Ҳозирги кунда олтита йўналишда қатнаётган бундай қулай транспорт воситалари шаҳарнинг барча даҳаларини бир-бирига бирлаштирмоқда, кўпчилик йирик саноат корхоналарига қатнамоқда. Куни кеча троллейбус бошқармасининг ўттиз йиллик қутлуғ санаси тантанали нишонланди.

Собир ҲАМИДОВ.

НИЗОМ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

ВИЛОЯТНИНГ қатор мактабларида ўқувчилар илмини кўп балли усулда баҳолашнинг рейтинг тизими қўлланиб келаётган бўлса ҳам бу усул бўйича умумий Низом йўқ эди.

Республика Халқ таълими вазирлигининг масъул ходимлари, малакали мутахассислар Р. Ахлидинов, А. Калонтаров, Сирдарё вилоятидаги 22-мактаб директори М. Бобожонов, Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги 60-мактаб директори Т. Некрасов, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари С. Магда, Олмалиқ шаҳридаги 5-мактабгимназия директори З. Фозиловалар ҳамкорлигида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар билимини синашнинг рейтинг тизимини қўллаш учун тажриба тариқасида Низом ишлаб чиқилди.

Унда бу усулни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, ундан кутилган мақсад, назорат услуби, баҳолаш, синфдан-синфга кўчириш, тартиби, ўқитувчи ва ўқувчи ҳуқуқлари каби хусусиятлар ҳақида батафсил йўл-йўриқлар кўрсатилган.

Саид АҲМЕДОВ.

БИЗНИНГ МАКСИМ ЕНГИБ ЧИКДИ

ЎН БЕШ ёшгача бўлган ўқувчи ёшлар ижодиёти бўйича халқаро танловларни ўтказиш яхши анъанага айланиб бормоқда. Болалар расмлари ва ёзма ишлари бўйича уюштирилган навбатдаги ижодий кўрик Ҳиндистонда бўлиб ўтди.

Ижодий беллашувларда Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Вилоятимизнинг Пскент туманидаги 2-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Максим Юн чизган расмлар ҳамда уларга ёзма равишда берилган изоҳлар халқаро танлов ҳайъати аъзолари томонидан ижобий баҳоланди.

Бу ижодкор ўқувчи кўрик-танловнинг махсус нишони ҳамда Фахрий ёрлиғини қўлга киритиб, ёруғ юз билан диёримизга қайтиб келди.

Акбар АЛИЕВ.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида маъмурий-бошқарув аппарати тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ходимлар сонини қисқартириш бўйича Республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов бошқарди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар, қўмиталар, концернлар, корпорациялар, агентликлар, компаниялар, акциядорлик жамиятлари, уюшмалар ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 сентябрдаги «Маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартиришга доир чора-тадбирлар комплекси тўғрисида»ги қарорини бажаришни таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Бошқарув аппаратлари сонини қисқартириш ҳамда уларни тузилма жиҳатидан қайта ташкил этиш ёки тугатиш бўйича таклифлар киритишнинг шакл ва муддатлари белгиланди. Вазифалар аниқланиб, вазирликлар, идоралар ва ҳудудий комиссияларга ўзларининг қарамоғидаги корхона ва ташкилотларнинг маъмурий-бошқарув аппаратлари сони ва тузилмасини қайтадан кўриб чиқиш ва яхшилаш ҳақида кўрсатмалар берилди.

(ЎзА).

ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН

Исроил давлати Президенти Эзер Вейцман ва Бош вазири Беньямин Нетаньяху таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14-16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Исроилда бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛЛАРИ НУРЛИДИР, НУРЛИ

ЙЎЛ... Атиги уч ҳарфдан иборат бу калима замирида олам-олам маъно мужассам. Айни пайтда, бу сўзда икки ишора муҳайё. Бири — аслий, иккинчиси — кўчма. Аслийси — мавжудликда, кўчмаси — фикрийликдадир. Ана шу икки мазмун жам этилса, келажак йўли, равнақ йўли, алоқалар йўли, иқтисодий ва маданий муносабатлар йўли ҳосил бўлади.

Тарихда давлатлараро, қитъалараро, минтақалараро йўллар ер курасининг турли уфқларини бир-бири билан туташтирган. Шу боис мазкур робиталарга катта аҳамият берилган. «Мағриб ва Машриқ йўли», «Шом йўли», «Лазурит йўли», «Шох йўли», «Чин йўли», «Уммон йўли»... Марказий Осиё сарҳадларидан ўтган йўл эса «Буюк Ипак йўли» деб аталган.

Бу йўлларнинг давлатлараро муносабатларда, ўзаро иқтисодий-ижтимоий алоқаларни йўлга қўйишда ниҳоятда катта рол ўйнаганлигига тарих гувоҳ. Афсуски, салкам саксон йил давом этган қизил империя, шўролар «салтанати» бу тарихий ҳақиқатни инкор этдилар.

Узоқ йиллар давомида ўзининг мустақил, озод, эмин-эркин йўлини танлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган Ўзбекистонимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнггина ўзининг йўлини танлаш бахтига мушарраф бўлди. Унинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини Йўлбошчимиз Ислом Каримов эълон қилди. Бу тамойил жаҳон луғатида «Ўзбекистон модули» деган ном қозонди.

Ана шу мустақиллигимизнинг таваллуд топганига эндигина етти йил тўлди. Сайлаган йўлимизнинг тўғри ва оқил эканлигини айни пайтда бутун жаҳон эътироф этмоқда. Мамлакатимизда тинчлик, ҳамжиҳатлик, тотувлик барқарор. Саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг палак отиб бораётганлиги ва ижобий самаралар бераётганлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатга айланди. Буларнинг бари танлаган ана шу ўзимизга хос ва мос йўлимиз меваларидир.

Президентимиз Ислом Каримов истиқлолга эришган дастлабки кунларимиздан бошлабоқ жаҳон ҳамжамиятига кириш, унда муносиб ўрин эгаллаш, яқин ва узоқ давлатлар билан мулоқотларни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Улар йирик анжуманларда, сўзлаган қатор нутқларида, ҳудудий учрашувларда бу муаммоларни бир зум ҳам унутмадилар. Кўпгина мамлакатларга қилинган ташриф ва сафарлардан кўзланган мақсад ҳам аслида ана шу муддао эди.

МУНОСАБАТ

Куни кеча юртбошимиз яна бир йўл масаласига бағишланган катта бир йиғиндан қайтиб келдилар. Озарбайжон пойтахти — Боку шаҳрида 8 сентябрь куни ўтказилган Халқаро конференция Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш масаласига бағишланди. Зотан, бу вазифа долзарб аҳамиятга молик бўлиб, Президентимиз айтганларидек, «Ипак йўлини тиклаш ғояси айрим шахслар фаолиятининг маҳсули эмас, балки, бу — ҳаётий заруратдир. Дунё тараққиёти талаблари шуни тақозо этмоқда».

Ҳозирга келиб «ТРАСЕКА» деб ном олган лойиҳа баайни Оврупо ва Осиёни бир-бири билан боғлайдиган «Оврупо-Кавказ-Осиё» транспорт йўлагидир. Бошқача қилиб айтганда, «ТРАСЕКА» қадимий Буюк Ипак йўлининг янгича, кенг қамровли мазмун билан бойитилган замонавий атамасидир. Бу ғоя қачон пайдо бўлди?

1993 йилнинг май ойида Брюсселда Оврупо Комиссияси, Марказий Осиё ҳамда Кавказ мамлакатлари, шунингдек, Оврупо Иттифоқи давлатлари вакилларининг учрашувида Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви имкониятлари муҳокама этилди. Бу масала, аввало, транспорт ва коммуникация тизимини равнақ топтириш билан боғлиқ эди. Натижада, Оврупо — Кавказ — Осиё транспорт йўлаги — ТРАСЕКАни вужудга келтириш ғояси туғилди. Декларация қабул қилинди. Айтиш мумкинки, ана шу учрашув Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш борасидаги дастлабки амалий қадам бўлди.

1996 йил Сарахсда Марказий Осиё билан Эрон темир йўл тармоқларининг туташтирилгани ТРАСЕКА лойиҳасини адо этишнинг дебочасига айланди. Худди ўша 1996 йил 13 май куни эса Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Туркманистон ўртасида ўзаро эркин транзит тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Ана шундай катта-кичик анжуманларнинг ҳаммасида Ўзбекистон ўзига хос мақом эгаллади ва қимматли таклифлар киритди.

Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга бағишланган Боку халқаро конференцияси ҳам дунёда катта қизиқиш уйғотди. Унда 36 давлат раҳбарлари ҳамда 12 халқаро ташкилотларнинг намояндалари қатнашдилар. Ўзбекистон делегацияси ҳам конференция ишида фаол иштирок этди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов янги ташаббусларга бой бўлган чуқур мазмунли нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Оврупо — Кавказ — Осиё йўлагини тезроқ тўла қувват билан ишга тушириш халқаро интеграция йўлида муҳим аҳамият касб этажаклигини таъкидлади. Шунингдек, у мазкур йўлакни ривожлантириш, минтақавий тинчликни таъминлаш, мамлакатлар иқтисодиётини янада юксалтириш ҳамма томонларга ўта нафли фойда беражаклигини алоҳида қайд этди. Президентимиз шундай дедилар: «Гап Буюк Ипак йўлини тиклаш ҳақида борар экан, ТРАСЕКА дастурини амалга ошириш биз учун ҳаётий эҳтиёж эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу йўл 2000 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Шарқ билан Ғарбни савдо-иқтисодий ришталар билан боғлади». «Бугун — дунёвий жараёнлар глобаллашаётган, турли давлатлар ва бутун-бутун минтақаларнинг ўзаро интеграциялашув жараёнлари тезлашаётган даврда Европа ва Осиёни боғловчи кўприкни тиклаш ташаббуси табиий ҳолдир»... Бу гаплар конференция иштирокчилари чеҳраларида қониқиш ҳосил қилди.

Халқаро конференция сўнгида бир неча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Шундай қилиб, Буюк Ипак йўли қайта таваллуд топа бошлади. Боку Декларацияси ҳамда Халқаро конференциянинг Якуний Коммюникеси фикримизнинг исботидир. Эндиликда Буюк Ипак йўли кўпгина мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, иқтисодий равнақ, маданий тараққиёт, бир сўз билан айтганда, ривожланиш кўпригига айланади, деб ишонч билдириш мумкин. Бунинг учун эса мамлакатимиз раҳбари айтганларидек, истиқбол сари ғайрат-шижоат билан интилиш, ақл ва заковат имкониятларини тўлиқ ишга солиш, янги очилаётган ТРАСЕКА кўпригини тинчлик, ҳамкорлик, иқтисодиёт қон томирига айлантириш тақозо этилади. Бу тадбирларга муносиб улуш қўшиш учун эса Ўзбекистонимизнинг салоҳияти етарлидир. Зотан, унинг танлаган йўли ўзига хос ва мосдир. Истиқболга пок ниятлар билан бораётган она-Ватанимизнинг бу йўллари нурлидир, нурли... Иншоллоҳ, шундай бўлсин, Яратганнинг ўзи йўлимизни берсин!..

Раҳимберди УМАРОВ.

«ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА»

ХАЛҚИМИЗ азал-азалдан оилапарвар. Зеро, ватанни эъзозлаш, ота-онага ҳурмат, меҳру-оқибат, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар, аввало, оилада шаклланади. Шу боис муқаддас саналади.

Мамлакатимизда жамият таянчи бўлмиш оила манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз таклифи билан 1998 йил — Оила йили деб эълон қилинганлиги ҳам ана шу ғамхўрликнинг далолатидир. Бу борада кенг кўламда турли тадбирлар ўтказиш дастури ишлаб чиқилган. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказган «Энг намунали оила» кўрик-танлови ана шулар жумласидан. Танловнинг дастлабки босқичи маҳалла, туман, шаҳар ва вилоятларда бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимизда мавжуд қарийб тўрт миллион оиланинг энг яхши вакиллари қатнашди.

Кўрик-танловнинг якуний босқичи пойтахтда — Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ўн тўртта ғолиб оила ўзаро мусобақалашди, танлов шартлари бўйича ўз маҳоратини кўрсатди. Қатнашчилар оила бахти, баркамоллиги, тарихимиз, миллий қадриятларимиз, юксак маънавият борасидаги билимларини намойиш этди.

Кўрик-танлов якунига кўра Хоразм вилоятидан келган З. Худойберганов оиласи бош соврин эгаси бўлди. Қашқадарёлик Қ. Боқиев оиласига биринчи ўрин насиб этди. Тошкент ва Самарқанд вилоятлари вакиллари Б. Худоёрова ҳамда И. Мирзаева оиласи иккинчи, Сурхондарё, Наманган вилоятлари номидан иштирок этган Н. Тўраев, А. Саломов оиласи, Тошкент шаҳридан Б. Раҳматуллаев оиласи учинчи ўринни олди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова сўзга чиқди.

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ
янгиликлар, одамлар, воқеалар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Истиқлол одимлари

МОЗИЙДАН ХУЛОСА

Яқинда Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бўлиб, ёшлик ғайратлари-ю, қалб қўрлари ҳароратини хўжалик равнақига бахшида этган, турли хил лавозимларда баҳоли қудрат фаолият кўрсатиб, элу-юрт ҳурматига сазовор бўлган бир гуруҳ фахрийлар билан учрашиб гурунглашдик. Ҳозирги дориломон кунларимизнинг қадрига етиш учун ўтмишимизни унутмайлик, дейишди улар ва хотираларини жонлантирдилар. Коммунистик зуғум ҳукмрон бўлган кезлардаги воқеа, ҳодисаларни эсладилар. Қуйидаги ҳикоялар ана шу аснода юзага келди.

ШОВҚИН-СУРОНСИЗ ИШЛАСА БЎЛАРКАН-КУ!

— Биласиз, — дейди узоқ йиллардан буён хўжалик бошқарув раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Карим ака Тошев, — ҳамиша ва ҳар қандай шароитда хўжаликнинг ривожи, одамлар турмуш тарзининг яхши ёки бундайроқ бўлиши, ҳеч бир сўзсиз, раҳбарнинг иқтидори, салоҳияти, ташкилотчилигига, айрим ҳолларда эса кайфиятига ҳам боғлиқ.

Яхши ва ёмон кайфиятни эса муҳит белгилайди. Сира эсимдан чиқмайди. Бир куни марҳум раисимиз Файзулла ака район партия қўмитасининг бюро йиғилишидан жуда ғамгин бўлиб қайтдилар. Ишламайман, бўшайман, энди дедилар. Бу қанақаси ўзи?! Режани зиёдаси билан бажариб қўйдигу, яна палон тонна маҳсулот топширасан, деб мажбур қилмоқчи бўладилар. Ахир далада ҳеч нарса қолмадику, десам, кўнишмайди. Нима, қўшиб ёз, демоқчимисиз?! Йўқ, мен ундай қилолмайман, виждоним йўл қўймайди бу номаъқулчиликка, десам, мен билмайман, дейди райком котиби, юқорининг буйруғи шу!

Ўша куни ва эртасига кечгача раиснинг кайфияти бузилиб, қўли ишга бормай юрди. Ариза кўтариб борган экан, котиб йиртиб ташлабди. Бу шаштингиздан қайтинг! Ахир бизга ҳам осонмас! Юқоридан талаб қилишаяпти-да! Майли, сизнинг аҳволингизни тушуниб турибман. Ишлайверинг-чи, бўёғи бир гап бўлар, дебди.

Қаёқда дейсиз. Кунда бўлмаса ҳам кунора бюро йиғилиши, мажлисбозлик, нега ундай, нега бундай?! Дўқ-пўписа. Партиядан ўчирамиз, ишдан бўшатамиз, таъна-дашном! Ҳаммаси юракни кемиради. Раис оғир дардга чалинди...

Ана шуларни эслар эканман, деб енгил нафас олади Карим ака, — ҳур замонлар ҳам келаркан-ку, шовқин-суронсиз, камчилик ва нуқсонларни ётиғи билан тушунтириб, муаммоларни биргаликда ҳал қилиб ишласа бўларкан-ку, деб баралла айтгим келади.

ЎЗИМИЗ ЕМАЙ ЕДИРАРДИК

— Нимасини айтасиз, — дейди Сидиқ ака Турсунбоев, — ҳақсизликлар ич-этимизни тирнарди, деҳқонларнинг қўлини ишдан совутарди. Алам қиларди-да! У фидойилик билан ишлаб, ўз бурчини ҳалоллик билан бажарар, бироқ, ўзи етиштирган маҳсулотга ўзи эгалик қилолмасди. Шундай бўлардики, деҳқон режасини ортиғи билан бажариб қўйган бўлса ҳам, ўзига тегишли маҳсулотнинг бир килосини ҳам даладан рухсат қоғозисиз олиб чиқиб кетолмасди. Мабодо шундай қилса борми, уни йўлда ушлаб олиб, «қаердан олдинг, нега ўғирлаб кетаяпсан, қаёққа олиб борасан» деб роса бошини қотиришарди. Асабига тегишарди, ҳоли-жонига қўйишмасди. Ана шундай пайтда раҳбарлар ўртага тушиб, «барака топкурлар, қўйиб юборинглар, у ўзига тегишлисини олиб кетяпти», деб аранг қутқариб қолишарди.

Эҳ-ҳа, айтамиз десак, бунақа ғаройиб ҳодисалар кўп бўларди.

Ҳар бир экин пишиб етилгач, маҳсулотнинг сарасини ўзимиз емай московлик «оғаларимиз»га едирардик. Вақти-вақти билан пойтахтга жўнатиб турардик. Бундай топшириқдан баъзан юрагимиз безилларди. Нега дейсизми? Раҳмат, деган сўзни эшитиш ўрнига...

Бир куни не-не азоблар билан сараланиб, картон идишларга ҳар бир донаси оқ қоғозларга ўралиб жойланган мевани аэропортда текшириб кўриб, биттаси сал эзилган эканми, бир машинасини қайтариб юборишди.

Иложимиз қанча. Далада, фермада зарур юмуш билан шуғулланиб турган деҳқонларни муҳим топшириқни қайтадан бажаришга сафарбар этдик. Буйруқни ўз вақтида бажармасак, маломатга қолишимиз ҳеч гап эмасди.

Қаранг, ҳозир ўша ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб қўйиладиган деҳқон бугун ернинг соҳиби, эгаси, мулкдор. Хўжалик бошқаруви билан шартнома тузади, шартномага қатъий амал қилиб меҳнат қилади. Мўлжалдаги ҳосилини топшириб бўлгач, қолган маҳсулот ўзиники! Ҳоҳласа бозорга олиб бориб сотади, хоҳласа пулга чақиб, хўжаликка ўтказади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг жорий этилиши ажойиб самаралар беряпти. «Энг муҳим муаммолардан бири ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришга эришмоқдамиз».

Олий Мажлис ўн иккинчи сессиясида Президентимиз айтган бу гаплар қишлоқ хўжалигининг бундан кейинги равнақи учун ҳам кафолатдир.

ҚЎШНИНГ ТИНЧ, СЕН ТИНЧ

— Асли миллатим тожик. Лекин тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолганман, — дейди Карим ака Ибодов. — Узоқ йиллардан буён шу ҳудудда деҳқончилик билан шуғулланиб, муқим яшаб қолдим. Лекин барибир она юрт соғинчи дилни ўртаб туради. Биродарларим, қон-қардошларимнинг ҳозирги кундаги нотинч ҳаётини кўз ўнгимга келтираман.

Юртбошимизга минг раҳмат. Катта-катта йиғинларда қўшни Тожикистонда ҳам тинчликни ўрнатиш тўғрисида қимматли таклиф ва мулоҳазалар билан чиқадилар. Қани, бу гал юртим ҳақида қандай гапларни айтаркинлар, деб уларнинг сессиядаги маърузаларига диққат билан қулоқ солдим. Тожикистон заминида музокаралар жараёни орқалигина тинчликка эришиш мумкин, деб айтган гапларини эшитиб кўзимда ёш қалқди. Ахир халқимизда мақол бор-ку, қўшнинг тинч, сен тинч, деган. Ҳозирги ҳаётимиздан сув ўғириб ичсак арзийди.

Лекин юртимга қачон борсам, ниҳоятда кайфиятим бузилиб қайтади. Отиб кетди, сўйиб кетди, деган воҳималар, қандай қилиб кунни ўтказганимни билмайман. Гумбур-гумбур овозлар, ўқ товушлари шундай эшитилиб туради. Одамларнинг на ётишида, на туришида, на ейиш-ичишида ҳаловат бор! Ҳамма хавфда. Бир бурда нон уёқда турсин, ҳатто бир қултум сув ҳам томоқдан тиқилиб ўтади. Оч қорним, тинч қулоғим, деб бежиз айтмаган эканлар. Йўқ, бу мақолда асло очлик тўғрисида гап кетмайди, тинчликнинг қадрига етиш таъкидланади унда!

Баъзи боқиманда, лоқайд, меҳнатдан бўйин товлашга ўрганиб қолган одамлар нега бу ҳақда ўйлашмас экан-а?! Нега улар ўткинчи қийинчиликларга дош беролмай нолишади. Бир воқеа мени юрагимни ҳамон ўртайди. Юртимга бориб қайтаётиб чегарадан ўтаётган эдик. Бир чол билан бир кампир бизга пешвоз чиқишди. Уларнинг ёнида чамаси 13—14 ёшлардаги қиз ва ўғил бола маъюсланиб турарди.

— Илтимос, — дейишди улар, бизнинг йўлимизни тўсишиб, — мана шу фарзандларимизни олиб кетинглар, майли, ўзларингизники қилиб олинглар. Бу ерда улар сингари болаларни афғон томондан келадиган беҳаёлар ўғирлаб кетиб, қул қилиб сотишмоқда. Сизлар олиб кетсаларингиз, омонлик бўлса, бир кун эмас, бир кун юз кўришармиз!

Биз иложимиз йўқлигини айтдик.

Ана шунақа, гаплар, оғайнилар...

БУНДАН ОРТИҚ ЯНА НИМА КЕРАК

— Сенинг бу аянчли ҳикоянг, албатта, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, биродаримиз Каримжон, — деб унинг қўнглини кўтаришди, тасалли беришди Саъдулла, Одил, Сидиқ, Жаббор, Ботир акалар. — Ҳар кимни ўйга толдиради, мушоҳада қилишга, «бирни кўриб фикр, бошқасини кўриб шукр» қилишга ундайди.

Ахир бошқача бўлиши мумкин эмас. Тинчлик — бу улуғ неъмат! У ҳар биримизнинг ўз қобилиятимиз, маҳоратимизни кўрсатишга, намойиш қилишга ва шу аснода ҳалоллик билан яшашга ундайди. Эндиликда бекорчидан ҳамма юз ўгиради, тани-жонинг соғми, меҳнат қил. Ўз кунингни кўр, қўлингдан келса тадбиркорлик билан шуғуллан, йўллар очиқ, тўсиқлар бўлса, уни олиб ташлаш ҳаракатини қил. Дардиҳасратингни яширмай, айт. Ошкор қил. Ўзлигингни, кимлигингни намоён қиладиган пайт келди. Бунинг учун изн берилди-ку. Бир вақтлари тортиниб, қимтиниб юрган эдинг. Ҳозир кўкрагингни кериб юришинг мумкин. Катта-кичик йиғинларда бемалол, тўғрими, нотўғрими, ўз она тилингда фикрингни айтишга ҳақлисан. Хоҳлаган ташкилотга, идорага «Ассалому алайкум», деб кириб борсанг, бир вақтлардагидек нима деяпсан ўзи, деб турткилашмайди. Саломингга алик олиб, нима хизмат бор, деб хушнудлик ила қарши оладилар. Бой бўлсанг, қандингни ур, тўй қил, қурбинг етадими, хоҳлаган услубда уй сол, иморат қил. Сенга ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Яхши еб, яхши ичиб, яхши кийиниш ўзингга боғлиқ. Муҳими тинчмиз, осойишта ҳаёт кечиряпмиз.

Фидойи бўлиш, ишлаш, ишлаганда ҳам ёниб, куйиб, астойдил ишлаш, шоир тили билан айтганда, ҳар биримиз ўзлигимизни жамлашимиз, мустақилликнинг улуғ биносига бир ғишт қўйсак бўлгани...

* * *

Мен фахрийларнинг бу ҳикояларига қўшимча қилиб раис Равшан Йўлдошевнинг сўзларини ҳам келтиришни лозим топдим.

— Биз маслаҳатлашиб, деҳқонларга обдон тушунтириб, уларнинг розилигини олгач, пайчилик асосида ишлайдиган ширкат хўжалигига ўтдик. Жамоа хўжалигининг ҳар бир аъзоси, ёшидан қатъий назар, қачондан буён меҳнат қилаётганлиги, келтирган даромадига қараб улушини белгиладик. Шахсий ҳисоб дафтарларига ёзиб қўйдик. Эндиликда улар йил якунига, олинадиган соф даромадга қараб дивидент ҳам оладилар. Бу меҳнат ҳақига қўшилади, демакки, деҳқоннинг, қишлоқ аҳлининг даромади кўпайиб боради.

Ҳа, мустақиллик бошқа соҳа кишилари сингари деҳқонларга ҳам имконият дарвозаларини ланг очиб қўйди. Бу тадбиркорликка қўйилган дадил қадамлардир. Бу — хусусий мулк манфаатларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг амалга оширилиши йўлида қилинаётган улуғ ишлардандир.

Носир РИХСИЕВ.

«Пахта — 98»

ТЕНГ ЯРМИ РЕЖАЛАШТИРИЛДИ

Тошкент вилояти пахтакорлари бу йил 115 минг гектар майдондан 280 минг тонна «оқ олтин» йиғиштириб олиш ниятидалар. Далаларда шунга яраша ҳосил тўпланмоқда.

Бу йил вилоятда пахтанинг тенг ярмини машиналарда териб олиш режалаштирилган. Бироқ, мавсумга пухта ҳозирлик кўрмай туриб, бу вазифани уддалаш осон кечмайди. Бултур ҳосилнинг 34 фоизигина техника ёрдамида йиғиштириб олинган, терим анча чўзилган эди. Аксинча, машина-ускуналардан унумли фойдаланган бир қанча туман ва хўжаликлар ҳосилни нес-нобуд қилмай, улкан хирмон кўтардилар. Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорациясини бунга мисол келтириш мумкин.

Корпорация пахтакорлари бу йил ҳам юксак маррани кўзлашмоқда. Улар ҳар бир машина ёрдамида камида юз тонна ҳосил йиғиштириб олиш ниятида. Вилоятдаги бошқа хўжаликлар ҳам машина теримига тайёргарликни авж олдирмоқда. Мавжуд 1050 дан ортиқ терим агрегати ва бошқа транспорт воситалари ишга тўла шай ҳолга келтирилаётир. Айни чоғда ғўза баргини тўктириш табақаланштирилган тарзда ўтказилмоқда. Дефолияцияни 20 сентябргача тугаллаш мўлжалланган.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

Шифо масканларида

СОҒЛИККА НИМА ЕТСИН...

«...Сизга соғлик-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилайман!» Дўсту-қадрдонлар жамул-жам бўлганда, ёр-биродарлар дийдорлашганда, пирубадавлат қариялар дуога қўл очганда, олисдаги жигарларни йўқлаб хатлар битилганда... энг аввало мана шу улуғ калом тилга олинади.

Бу ниятнинг нима учун жамики бахт-саодатнинг аввали деб ҳисобланишини эҳтимол ҳаммамиз ҳам билавермасмиз. Аммо бирор дардга чалиниб, боши ёстиққа теккан киши соғлик-саломатлик — Оллоҳнинг инсонга ато этган беқиёс неъмати эканлигини бошқалардан кўра кўпроқ идрок этади ва кўпинча мана бу гапни такрорлайди:

« — Э, дунёдаги ҳар қанча бойлик соғлигимнинг олдидан ўтаверсин! Яхшиямки, бахтимга дўхтирлар бор экан...»

Ҳа, эл-юрт соғлиги йўлида туну-кун меҳнат қилаётган минг-минглаб шифокорларнинг қадри ана шундай оддийгина эътироф орқали юксалиб боради. Минг шукрки, вилоятимизда халқимизнинг хизматига астойдил бел боғлаган, беморларнинг дардига малҳам бўлиб, уларни оёққа турғазаётган тажрибали, фидойи шифокорлар кўп. Оҳангарон туманидаги Аъзам Мирсидиқов раҳбарлик қилаётган марказий шифохонада бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Жами 250 ўринга эга бўлган мазкур шифо масканида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида талай ишлар қилинмоқда. Беморларнинг яхши даволаниши учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, кундузи ва давомли тиббий хизмат кўрсатиш усули жорий этилган. Хоналарда авваллари 5-6 тадан бемор ўрни жойлашган бўлса, ҳозир ҳар бир хонада 2 киши даволанмоқда. Бу ерда Анорбой Алимқулов, Зумрад Ҳайдарова, Озода Ҳусанова, Машкура Жамолхонова каби тажрибали шифокорлар изидан шу соҳа учун жон куйдирадиган бир қанча ёшлар ўсиб келмоқда.

— Биз айниқса, қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган шифокорларимизнинг малакасини оширишга эътибор қаратяпмиз, — дейди бош шифокор А. Мирсидиқов. — Шунингдек, жойларда қишлоқ врачлик пунктларини барпо этиш ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Тумандаги «Шодималик» жамоа хўжалиги ҳудудида янги қишлоқ врачлик пункти қурилиб ишга туширилди. Шу йилнинг охиригача «Илғор» қишлоғида ҳам шундай объект фойдаланишга топширилади. Яна учта қишлоқда қурилиш бошланган. Биз қувонадиган нарса, кейинги икки йил ичида 6 та «Дамас» автомашинаси касалхонамиз ихтиёрига берилди. Уларнинг асосийси қишлоқлардаги «Тез ёрдам» бўлимларида хизмат кўрсатяпти.

Албатта, шифохонада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, камчиликлар йўқ эмас. Лекин муҳими, жамоада ҳаракат бор.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.
СУРАТЛАРДА: марказий касалхона шифокорлари ҳаётидан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН МИСРДАГИ КЎРГАЗМАДА

Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида анъанавий «Саҳрои Кабир — 98» кўргазмаси очилди. Бу кўргазма Яқин Шарқдаги энг нуфузли халқаро агросаноат кўргазмаларидан бири ҳисобланади.

Мисрда ҳар йили сентябрь ойида аграр технологиянинг асосан саҳрони ўзлаштиришга оид энг сўнгги ютуқлари намойиш этилади.

Мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан «Саҳрои Кабир — 98» кўргазмасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари мутахассисларидан бир гуруҳи ҳам иштирок этмоқда. Уларнинг вазифаси харид бозорининг янги жиҳатларини тадқиқ этиш, «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компаниясининг маҳсулотларини намойиш қилиш ҳамда Ўзбекистоннинг Миср ва бошқа араб мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришдан иборат.

Қоҳирадаги кўргазмада трактор, культиватор, ариқ қазгичлар, сеялкалар, кўсак чувийдиган, сув сепадиган, ғўзапояни қазиб оладиган ва бошқа — ҳаммаси бўлиб, 11 хил машина намойиш этилмоқда. Бу маҳсулотларни Тошкент трактор заводи, «Чирчиққишхўжмаш», «Ўзбекқишлоқмаш», «Кимёқишлоқмаш», «БМКБ — агромаш», «Бухоро ихтисослашган — тажриба заводи» корхоналари ишлаб чиқаради.

Кўргазмада «Ўзбекистон Республикаси тракторлари ва қишлоқ хўжалик машиналари» павильони очилган. Уни ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Ўзэкспомарказ»и ташкил этган.

Кўргазма иши давомида юртимизда ишлаб чиқарилган техникани сотиш ҳамда мисрликлар билан трактор ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона барпо этиш хусусида шартнома имзолаш кўзда тутилган.

(ЎзА).

XXI аср ёшлари

ИҚТИДОРЛИЛАР ИЗЛАНИШДА

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг полимерлар кимёси ва физикаси институтида республикамизнинг етти йиллигига бағишланган ёш олимлар анжумани бўлди. Анжуманда Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва республикамизнинг бошқа шаҳарларидан келган олимлар иштирок этди.

Мазкур институтда анъанага айланиб қолган анжуманда мамлакатимиз ёш олимларининг кимё, физика ва полимерлар технологияси соҳасида изланишлари натижаси ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон мустақиликка эришганидан кейин тобора қудратли саноат ва аграр мамлакатга айланаётгани таъкидлаб ўтилди. Чунончи, Фарғона водийсида полимер ишлаб чиқариш заводи кенгайди, қоғоз ишлаб чиқариш бўйича корхона иншооти қурилиши катта одимлар билан бормоқда, тола ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Ҳамма жойда чет эл маҳсулотининг ўрнини маҳаллий маҳсулот эгалламоқда.

Агросаноат мажмуасида амалий полимер материаллари кенг миқёсда қўлланилмоқда, ғўзани полимер плёнка остига экиш амалга оширилмоқда. Сувда эрувчи полимерлар қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини, жумладан, шолини ёпиш учун муваффақиятли қўлланилмоқда. Бу эса атроф муҳитни химикатлар таъсиридан сақлашга ёрдам беради. Ҳозирги кунда ички бозорда чет эл маҳсулотларини қисман ўрнини босиш учун полимер препаратлар ўсимликларнинг кимёвий ҳимоя воситаси сифатида қўлланилмоқда.

Конференцияда яна шу нарса таъкидландики, давлатимиз иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар кимёвий, жумладан, полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатига қаратилганига ҳам бевосита боғлиқдир. Шунинг учун бу йўналишдаги назарий ва амалий илмий изланишларнинг аҳамияти тобора ўсиб бормоқда. Маълумки, полимерларсиз экология муаммоларини ҳал этиш, истеъмол учун тоза сув олиш, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва полимер буюмларидан самарали фойдаланиш мумкин эмас. Шунингдек, тиббиёт ва соғлиқни сақлашда ҳам полимерларнинг ўрни катта. Масалан, касалликнинг олдини олиш ва даволаш хусусиятига эга бўлган моддаларни яратишда полимерларни қўллаш катта аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатимизда ўзимизнинг маҳсулотимиз асосида турли-туман жисмоний таъсир этувчи биологик фаол бўлган полимер дорилар олиш бўйича тадқиқотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ёш олимлар анжумани барча илм аҳлини мамлакатимиз иқтисодиётининг келгусида равнақ топиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий изланишлар натижаларини умумлаштириш ва келажаги порлоқ йўналишларни аниқлашга даъват этади. Анъана бўлиб қолганидек, бу ишларда ёш тадқиқотчиларга кўзга кўринган кимё фани арбоблари — академиклар Т. Миркомилов, С. Неъматов, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзолари С. Рашидова, Ю. Тошпўлатов, М. Асқаров ва кўпгина бошқа олимлар яқиндан ёрдам бермоқда.

О. ЗАДУНАЙСКАЯ, ЎзА мухбири.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

Ҳурматли таҳририят!

Уғлимнинг тўйи ҳаракатида бозордаги дўкондан 10 метр қимматбаҳо газлама сотиб олган эдим. Ўша жойда қарамаган эканман. Уйга келганимда яхшилаб разм солсам, у уч-тўрт жойидан сузилибди. Қайтиб сотган одамга олиб борсам тан олмади. Кейинроқ бошқа бир сотувчидан гоҳо тўп-тўп газламаларнинг ичидан ҳам яроқсизлари чиқиши мумкинлигини эшитиб қолдим. Шундай ҳолларда нима қилиш керак? Олувчини қўллайдиган бирон-бир тартиб-қоида ёки қонун борми? Бу ҳақда тушунтириш берсангиз.

Фарида ИСЛОМОВА,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, уй бекаси.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Истиқлол йиллари ичида рўй берган ўзгаришлар туфайли мулкчилик муносабатлари борасида туб ўзгаришларга эришилди. Республикада бозор инфратузилмаси яратилиши жадаллашиб, ташқи иқтисодий алоқалар кенгайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида истеъмол бозорининг тўлиши ва бойишида, олди-сотди ҳаракатининг янги мазмунга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Илгари аҳолига фақат давлат ва кооператив савдо шахобчалари хизмати кўрсатган бўлса, эндиликда тадбиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг ҳам бу ишдаги фаоллиги тобора ошяпти.

Худди шундай шароитда истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазаси масаласи долзарб масалалардан бири эканлиги янада равшанлашади. Буни назарда тутиб, кейинги йилларда уларнинг манфаатларига қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда шу йўналишдаги қарорлар, кўрсатмалар шулар жумласидандир.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда, бутун жаҳонда тан олинган ҳуқуқий ҳужжатларга, халқаро шартномаларда белгилаб қўйилган: истеъмолчи — ишлаб чиқарувчи, ижрочи, сотувчи, шартнома, товар, товар хизматининг хавфсизлиги, мувофиқлик сертификати, товарнинг жиддий нуқсони, кафолат муддати, хизмат муддати, яроқсизлик муддати, катта чеки, товар чеки каби тушунчаларга аниқ изоҳ берилган.

Уларга кўра истеъмолчилар товар, иш ёки хизмат ҳақидаги, маълумотларни олиш, айни пайтда маҳсулотнинг сифатли эканлигига, унинг хавфсизлигига ишонч ҳосил қилиш, товарни эркин танлаш ҳуқуқига эгалар. Бу қоидалар қонуннинг 5-6-моддаларида яна ҳам равшан ифодаланган. Унга мувофиқ ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи, жойлашган манзилгоҳи, сотаётган маҳсулотининг истеъмол хусусиятлари баҳоси, товарнинг ишлаб чиқарилган ва яроқлилик муддати ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт, деб белгиланган.

Ишлаб чиқарувчининг мажбуриятларидан яна бири бу сертификатланиши лозим бўлган товарлар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этиши шартлигидир. «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ уларнинг рўйҳатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди. Сертификатлаштириш ишини эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат Стандартлаштириш, метрология ва сертификация маркази амалга оширади.

Умуман, мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган товарлар сотувга чиқарилиши мумкин эмас. Уларни тарғиб қилишга ҳам йўл қўйилмайди. Мабодо ўзбошимчалик қилиб сертификатлаштиришдан четлаб ўтилган шахслар, яъни ишлаб чиқарувчи, норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган, соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли товарни ишлаб чиқаришга ва уни сотишга рухсат берган бошқа ташкилотлар албатта жавобгар бўладилар.

Агар сотувчи истеъмолчига нуқсонли товарни сотган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига қараб товарни айнан шундай маркали мақбул, сифатли товарга алмаштириб беришини талаб қилиш ёки унинг харид нархини тегишлича даражада қайта ҳисобкитоб қилиш ҳуқуқига эга. Аммо амалиётда эътибор берадиган бўлсак, кўпгина тижорат дўконларида «сотилган товар қайтариб олинмайди», деган эълонларга кўзимиз тушади. Ваҳоланки, бу мутлақо қонунга зид ҳолдир.

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи уни айни шундай маркали товарга етти кунлик муддатда, агар товарнинг сифати қўшимча текшириш зарурати бўлса истеъмолчи талаб қўйган вақтдан эътиборан 20 кун ичида алмаштириб бериши лозим.

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, сотувда айнан ўша маркали товарлар бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган вақтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида қондирилиши лозим. Чўл ва олис жойларга олиб борилган товарларда истеъмолчи нуқсонларни топиб, уни алмаштиришни талаб қилса, бу жойларга навбатдаги товарни етказиб бериш учун кетадиган муддат икки ойдан кечиктирилмаслиги керак. Бу муддат ўтказиб юборилса, истеъмолчи ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун алмаштирилиши лозим. бўлган товарни олаётган вақтида товар баҳосининг бир фоизи миқдорида товон пули тўланишини ишлаб чиқарувчидан талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Истеъмолчиларнинг юқорида баён этилган ҳуқуқлари бузилган тақдирда улар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, суд органларига мурожаат этишлари учун ҳамиша йўл очиқ. Бундай даъволар жавобгар корхона ёки шахс истеъмолчи жойлашган жойдаги, ё бўлмаса зарар етказилган ҳудуддаги судда кўрилади. Шундай ҳолларда истеъмолчилар давлат бож тўлашдан озод қилинадилар.

Энди бевосита Фарида Исломованинг саволларига келсак, шуни айтиш керакки, сотувчи ўзининг яроқсиз материалини қайтиб олмаётган экан, демак бу иш суд орқали ҳал этилади. Чунки, судда ўша сотувчи товарни кимдан олган, у маҳсулотни ким юборган, нима учун брак мол сотилган, сертификати борми, йўқми бу саволларга аниқ жавоб топилади.

Хуршида БУРХОНХЎЖАЕВА, Тошкент Давлат юридик институти инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази жамоатчи ходими.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

БМТ ХОДИМЛАРИ МОТАМ ТУТМОҚДА

ЎТГАН ҲАФТА охирида Канаданинг Янги Шотландия вилояти яқинида содир бўлган авиаҳалокат дунёда кўпчилик одамлар қалбини ларзага солди. Нью-Йорк — Женева йўналишида парвоз қилаётган «Свиссэйр» авиакомпаниясининг тайёраси уммонга йиқилиб тушганлиги ҳақидаги хабар бир зумдаёқ оммавий ахборот воситалари, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлардан жой олди. Ҳа, шум хабар тўғри чиқди. 229 киши оламдан кўз юмган эди.

Мазкур самолёт ичида сафарга отланган турли миллат вакилларининг қандай даҳшат оғушида жон берганликларини тасаввур қилиш осон эмас. Фожиа юз берган жойга Канада қутқарув хизматларининг воситалари тезда етиб келиб, қутқарув ишларини бошлаб юборган бўлсалар ҳам саъй-ҳаракатлар осон кечмади. Чунки, об-ҳаво бўҳронлари самарали ҳатти-ҳаракат қилишга йўл бермас эди.

Шундан кейинги ўтган уч-тўрт кун давомида тайёранинг асосий қисмларидан бўлмиш — «қора яшчик»нинг биринчиси топилди. У Оттава шаҳрига жўнатилди. Бироқ, унда тайёра бошқарувчиларининг сўнгги дақиқалардаги сўзлари тасмага тушмаган эди. Шу тариқа авиаҳалокат сабабини тезда аниқлаш имкони бўлмади. Иккинчи «қора яшчик»ни излаш давом этди. Ниҳоят, у ҳам 60 метр чуқурликдан топилди. Аммо, сўнгги илинж пучга чиқди. Унда ҳам ҳалокат сонияларга қайд этилмаган эди.

Жорий ҳафта бошида 229 нафар йўловчиларнинг исмишарифлари бирма-бир аниқланди. Улар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги идораси ходимларининг борлиги халқаро ташкилотнинг Нью-Йоркдаги асосий қароргоҳи ҳамда Женевадаги маҳкамаси ходимларини гангитиб қўйди. Ҳалок бўлганлар бирин-кетин маълум бўлди. Улар БМТнинг қуйидаги ходимлари экан: Африка қитъасининг Буюк кўл минтақасида қочоқлар масаласи билан шуғулланувчи БМТ Олий Комиссарлиги ходими 57 яшар Пирс Герети (АҚШ), мазкур комиссариатнинг ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланувчи катта ходими 37 яшар Катрин Кальвер-Мази (Франция), интеллектуал мулк бўйича Умумжаҳон ташкилотининг ички фаолият ҳамда меҳнат унумдорлиги бюроси нозири Иоахим Бильгер (Олмония), интеллектуал мулк бўйича Умумжаҳон ташкилотининг халқаро ва тезкор масалалар бўйича катта директори Людвиг Базумер (Олмония), ЮНИСЕФнинг Марказий ва Ғарбий Оврупо ҳамда МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий маслаҳатчиси Ив де Руссан (Канада). Шунингдек яна бир неча нафар шахслар ҳам БМТ фаолиятига алоқадор эканлиги маълум бўлди. Жонатан Манн, Мэри-Лу Клементс-Манн, Ингрид Ачеведо, Юта штатидаги Солт-Лейк-Сити дорилфунуни профессори Рожер Уильямс сингари олимлар ана шундай шахслар тоифасига мансуб экан.

Ҳалокат тафсилотлари тўлиқ маълум бўлганидан сўнг БМТнинг Нью-Йоркдаги маҳкамаси ҳамда Женевадаги идорасида таъзия маросимлари ўтказилди. Савобли ва хайрли амалларни адо этиш чоғида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирилди.

Воқеалар мулкинида

НЬЮ-ЙОРКДА Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги 53-сессияси иш бошлади. Унда дунёнинг кўпгина мамлакатларини ларзага солаётган молиявий-иқтисодий инқироз муаммолари асосий масалалардан бири бўлади.

➡ КОРЕЯ Халқ Демократик Республикаси халқи ўз мамлакатлари мустақиллигининг 50 йиллик байрамини тантанали нишонлади. Шодиёна йиғинларда мамлакат раҳбари — Ким Чен Ир шаънига кўпгина ҳамду-саналар айтилди.

➡ ҚИРҒИЗИСТОН ташқи ишлар вазирлиги Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати ҳамда унга қарши курашаётган Шимолий Иттифоқ вакилларини Бишкекда музокара ўтказишга чақирди.

➡ ФИНЛЯНДИЯ яқин келажакда НАТОга аъзо бўлмайди, лекин, истиқболда бу воқеа амалга оширилиши мумкин. Бу гапларни мамлакатнинг Оврупо ишлари бўйича вазири Оле Норрбак айтди.

➡ «РИО ГУРУҲИ»ГА бирлашган 12 лотин Америкаси мамлакатлари жаҳондаги энг ривожланган давлатлар раҳбариятига ва Халқаро Валюта Фонди раёсатига мурожаат қилиб, тезда ўзларига катта миқдорда қарз берилишини илтимос қилдилар. Мазкур минтақада иқтисодиётнинг кескин пасаяётганлиги бунга сабаб бўлди.

➡ ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯДА консерватив миллий партия ва биринчи миллий партиядан иборат уюшма аъзоларининг келишмовчиликлари туфайли ҳукумат инқирози юз беришига сал қолди. Бош вазир Женни Шипли ихтилофларни «текислаш» тадоригини кўрмоқда.

➡ АЙНИ кунларда Нил дарёсида катта тошқинлар содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида Суданда 75 минг киши ҳалок бўлди. Мисрда эса Асвон тўғони қатор фалокатларнинг олдини олди.

ПРЕЗИДЕНТ СУКУТ САҚЛАДИ ВА...

ЖОРИЙ ҲАФТА ҳам Россия Федерацияси халқлари учун кутилган хотиржамликни келтирмади. Мамлакатда сиёсий, иқтисодий, молиявий, ижтимоий инқироз давом этди.

Президент Б. Ельцин ўтказган «Думалоқ стол» учрашувидан кейин ҳам давлат бошлиғи, ҳукумат, Федерация Кенгаши, Давлат Думаси доираларидаги «сиёсий найрангбозликлар» барҳам топмади. Ҳар ким «кўрпа»ни ўзи томон кўпроқ тортишга ҳаракат қилди.

Президент Б. Ельцин эса ўтган кунларда сукут сақлаб келди. Бу ҳолатни кимлардир «саросимага тушиш» деб баҳоласа, кимлардир «президент нафас ростламоқда» деган фикрни билдирди. Ҳарна бўлганда ҳам, мамлакат фаолияти боши берк кўчадан чиқа олмаётир, жарликка ағанаш секинлашмаётир.

Энди давлат бошлиғи Давлат Думаси тасдиғига мактуб йўллаб, бош вазирликка аввалги ёҳуд янги номзод номини тавсия этиши керак эди. Аммо, тезда бундай шахснинг исмишарифи маълум бўлмади. Кўпчилик қатор одамларнинг номларини тилга олишди. Улар орасида Е. Строев, Е. Примаков, Ю. Лужков, Ю. Маслюков, С. Герашченко, А. Кокошинлар бор эди.

Россия Федерацияси бошига тушган сиёсий, иқтисодий, молиявий «савдо»лар мамлакатга миллиард-миллиард зарар келтирмоқда. Фуқаролар ташвиш ва ваҳимада. Халқ хўжалиги «тутқаноқ» арафасида турипти. Чет эл инвесторлари бирин-кетин «ашқал-дашқал»ларини йиғиштиришга кириша бошладилар.

Ана шундай ваъзиятда президент пайшанба куни янги бош вазирликка ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Евгений Примаковни тавсия этди. Кеча Давлат думасида бу масала овозга қўйилди.

КОЛОМБОДА КЎРГАЗМА

Шри-Ланка пойтахтида Жанубий Осиё ҳамкорлиги минтақавий уюшмасининг (СААРК) иккинчи кўргазмаси очилди. Шри-Ланка ички ва ташқи савдо ҳамда озиқ-овқат вазири Кингсли Викрамаратна мазкур тадбирни ташкил этишдан мақсад СААРКка аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда минтақада савдо, сармоя жалб қилиш ва туризмни ривожлантиришдан иборат.

Кўргазмада Бангладеш, Ҳиндистон, Мальдив, Непал, Покистон ва бошқа мамлакатлардан 300 га яқин корхона ўзларининг қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва саноат маҳсулотларини намойиш этмоқда.

ҚАЙДАСАН, АСЕАН?!

Таиланд Ташқи ишлар вазири Сурин Питсуваннинг журналистларга маълум қилишича, АСЕАН мамлакатлари Камбожанинг мазкур уюшмага аъзо бўлиши масаласини ҳозирча муҳокама этмасликка келишиб олдилар. Бунинг сабаби Камбожада ички вазиятнинг барқарор эмаслиги ва мамлакатда қонуний ҳукумат тузилмагани билан изоҳланади.

Бундан олдин Камбожанинг иккинчи бош вазири Хун Сен Таиланд бош вазири Чуан Ликпайга мактуб йўллаб, Камбожанинг АСЕАНга қабул қилинишини қўллаб-қувватлашни сўраган эди. Бироқ, Таиланд бош вазирининг таъкидлашича, Камбожада бўлиб ўтган июль сайловлари мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлай олмади. Шу тариқа Камбожа «АСЕАН, қайдасан?!» деб турипти.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

♦ ҲИНДИСТОНДА ҳар дақиқада 38 чақалоқ дунёга келади. Демак, бир кунда 56 минг болакай туғилмоқда. Айни пайтда мамлакат аҳолиси 975,8 миллион кишини ташкил этади. 2000 йилга бориб улар сони 1 миллиард 380 миллионга кўпаяди. 2016 йилда эса ҳиндистонликларнинг хитойликлардан ҳам ошиб кетиши кутилмоқда.

♦ СЯНГАН дорилфунуни профессори Чэнь Чжэнью ўз тадқиқотларини давом эттириб, кўк чойнинг чиндан ҳам инсон жисми учун фойдали эканлигини инкор қилиб бўлмайдиган далиллар асосида исботлади. Унинг айтишича, кўк чой физиологик жараёнларни тартибга солади, қаришни секинлаштиради, баданнинг касалликка қаршилигини оширади, аксилканцероген, аксилантимутаген хусусиятларни кучайтиради.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 14

«ЎЗБЕКИСТОН» КАНАЛИ 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.40 «Таҳлилнома»
*
8.40 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ғолиблар». Премьера.
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Қино янгиликлари».
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 «Еш аёл учун эркак». Бадиий фильм.
12.05 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
12.40 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув
13.00 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
13.30—14.00 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Чамандаги гулларимиз».
18.25 «Олам ва одам».
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 «Истеъдод». Ҳилола Ҳамидова.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00. Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
22.05 «Сиёсат оламида».
22.35 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун V Халқаро турнири.
23.35 Диққат, премьера: М.Бобоев «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 41-кўй.
00.15 «Ахборот».
00.40—00.45. Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультфомоша.
18.20 Нигоҳ.
18.40 Муғанний.
19.00 Давр.
19.15 Текин томоша.
19.30, 20.25, 22.30 Эълонлар.
19.35 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Жаҳон.
20.50 Сурур.
21.00 Хонадон.
21.20 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун V Халқаро турнири кундалиги.
21.30 Ҳудуд.
22.00 Мусиқий лаҳзалар.
22.15 Давр.
22.35 Синема. «Қоҳиранинг қирмизи атиргули».
24.00 Спорт қитъаси.
00.30 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун «Ая» ва унинг дўстлари ҳузурида.
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 Телефакт.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Туризм ҳақида.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггер». Телесериал.
21.50 Спорт-тайм.
22.20 ТТВ-Мюзик.
22.40 «Мусиқий майдонча».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Саргузашт фильмлар экрани.
00.40 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
00.45 Ҳужжатли экран.
01.05 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ-IV «Халқаро» телеканали

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Кўзмунчоқ».
*
Россия жамоат телевидениеси.
19.00 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 Эълонлар.
20.45 «Роксолана — султон асираси». Телесериал.
*
21.25 «Вақт хазинасидан».
21.45 Теннис-клуб.
22.00 «Вести».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Исроилга саёҳат».
22.55 Кинематограф: «Ўйин».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс «Сўнгги таҳлил».
02.55—03.00 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» КАНАЛИ 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Дилраба тароналар.
9.05 «Фан-тараққиёт негизи».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 41-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00. Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Осон эмас бу майдон ичра...». Адабий кўрсатув.
11.25 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси 44-серия.
11.40 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
11.55 Кундузги сеанс. «Ўғирланган». Бадиий фильм.
13.35—14.00. «Шоирлар — болаларга».
* * *
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун V Халқаро турнири. Юнусобод теннис мажмуидан олиб кўрсатилади.
18.10 «Олов домини даф этиб...».
18.25 Эстрада тароналари.
18.40 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар-телевизион клуби.
19.00 «Ўлдр Германияда ўқиган эдилар». «Ўзкинохроника» премьераси.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Нуқтаи назар».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Саньат усталарининг концерти.
21.30 «Акс садо».
22.05 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун V Халқаро турнири.
23.05 Диққат, премьера: М.Бобоев «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 42-кўй.
23.45 «Ахборот»
00.10—00.15 Ватан тимсоллари

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультфомоша.
18.20 Аралаш-қуралаш.
18.35 Ешлик формуласи.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 Давр.
19.15 Форс — мажор.
19.30, 20.25, 22.30 Эълонлар.
19.35 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Ватан манзаралари.
20.50 Болливудга нигоҳ.
21.10 Буюк юрт фарзандиман. Рустам Қосимжонов.
21.30 Қўшиқ сеҳри.
21.45 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун V Халқаро турнири кундалиги.
21.35 Шарқ эстрадаси.
22.15 Давр.
22.35 Синема. «Асобий машқлар».
00.05 Спорт қитъаси.
00.35 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта — Барбара» Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳза.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Суҳбатдош». Публицистик кўрсатув.
20.15 Мусиқий йўлка.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггер». Телесериал.
21.50 Хобби-холл.
22.15 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
22.20 «Голливуд юлдузлари».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кино, кино, кино.
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV «Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
*
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18:45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Менинг кўчам».
19.00 «Учинчи қўтб».
*
Россия жамоат телевидениеси
20.00 «Время».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Роксолана — султон асираси». Телесериал.
*
21.30 «Дунёқараш». Тележурнал.
21.45 «Касбга назар» (Буюк Британия).
22.00 «Вести».
22.30 Эълонлар.
22.35 Шарқ киноси. «Ойдан тушган малика».
00.35 Клип-антракт.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 «Дурдаршан».
01.35 Тунги сеанс Омар Шариф ва Леа Массарен «Муҳаббат» сўқмоқлари» фильмида (Франция).
03.05 — 03.10 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» КАНАЛИ 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Хонишларим бўлмас адо». Мусиқий дастур.
8.50 «Томчи».
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Маргилон ипаги».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 42-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 Алифбо сабоқлари.
10.50 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
11.15 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 45-серия.
11.30 «Акс садо».
12.05 «Кичкинтой устахонаси».
12.25 Кундузги сеанс: «Кулол ва хумча». Бадиий фильм.
13.40—14.00 «Ортим жамоли». Публицистик кўрсатув.
* * *
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун V Халқаро турнири. Юнусобод теннис мажмуидан олиб кўрсатилади.
18.10 Болалар учун «Доно бобо даврасида».
18.30 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
18.45 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
19.05 «Қалб гавҳари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.30. Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Мухлис ёҳуд қўшиқ изидан...» Мусиқий дастур.
21.55 «Сеҳрли шуўла». Кинокўрсатув.
22.35 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун V Халқаро турнири.
23.35 «Ахборот».
24.00 «Ойдин кечалар»
«Ўхшаш чеҳралар».
«Ешлар ва эстрада».
01.10—01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультфомоша.
18.20 Семург.
18.40 Авторейд.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 Давр.
19.15 Олмонияга саёҳат.
19.35 Рақслар қанотида.
19.55 «Coscot» хабар қилади.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Лаззат.
20.25, 22.35 Эълонлар.
20.30 Буюк ипак йўлларида.
20.50 Ринг.
21.10 Ракурс.
21.35 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун V Халқаро турнири кундалиги.
21.45 Ешлар куйлайди.
22.00 Давр.
22.15 Коктейл плюс.
22.40 Синема. «Қотиллар».
00.30 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 «Алдар-кўса». Мультфильм.
18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.35 «Санта -Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳза.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
20.15 «Мусиқа билан 10 дақиқа».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггер». Телесериал.
21.50 «Ҳайрли оқшом».
22.20 Мусиқий лаҳза.
22.25 Кузгу.
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Видео—«О».
00.35 «Мусиқий меҳмонхона».
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV «Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Ғўзаллик ва мангулик ҳақида».
*
Россия жамоат телевидениеси
19.10 «Инсон ва қонун».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 Эълонлар.
20.45 «Роксолана — султон асираси». Телесериал
*
21.25 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
21.45 «5 дақиқа ҳангома».
21.50 Клип-антрант.
22.00 «Вести».
22.30 Эълонлар.
22.35 Кинематограф «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 7-серия.
23.50 Мусиқий олимп.
00.20 «Дил изҳори».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс Силвестр Сталлонз «Мутаҳассис» фильмида.
02.45—02.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» КАНАЛИ 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Соҳибқирон ижодкор нигоҳида».
9.20 «Сени Ватан кутади».
9.40 «Боқира тўйғулар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00. Янгиликлар.
10.05 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
10.30 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
10.45 «Меҳнат ва қонун».
11.05 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 46-серия.
11.20 «Соз сеҳри».
11.40 «Қишлоқ ҳаёти».
12.05 Кундузги сеанс. «Учувчининг парвози». Бадиий фильм.
13.30—14.00 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
* * *
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун V Халқаро турнири. Юнусобод теннис мажмуидан олиб кўрсатилади.
18.10 «Қизиқарли учрашувлар».
18.30 «Харита» Халқаро шарҳ.
18.45 Ранглар жилоси.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 «Дуғоналар, бормисиз». Мусиқий дастур.
22.00 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун V Халқаро турнири.
23.00 «Битик».
23.20 «Ахборот».
23.45 «Сомон йўли».
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультфомоша.
18.20 Бўш ўтирма.
18.40 Одобнома.
18.50 Мушоира.
19.00 Давр.
19.15 Дилнавоз садолар.
19.30, 20.25, 22.35 Эълонлар.
19.35 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Ешлик наволари.
20.50 Мезон.
21.10 «Дойче Велле» тақдим этади...
21.30 Маслаҳат.
21.50 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун V Халқаро турнири кундалиги.
22.00 Давр.
22.15 Хит-коллекция.
22.40 Синема. «Уйғон ёздаги қилмишларингизни биламан».
00.20 Спорт қитъаси.
00.50 Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Дарақчи.
18.05 «Ериптош». Мультфильм.
18.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Мусиқий дақиқалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ТВ ва театр».
21.20 «Серенада». Қисқа метражли бадиий фильм.
21.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.00 Нафосат гулшани.
22.20 Кинонигоҳ.
24.00 «Дарақчи».
00.05 «Эзгулик достони».
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим».

ЎзТВ-IV «Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси
19.05 «Йўқотилганларни эслаб». Исаак Дунаевский.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 Эълонлар.
20.45 «Роксолана — султон асираси». Телесериал.
*
21.25 «02» тўлқинида.
21.40 «5 дақиқа ҳангома».
21.45 Теннис-клуб.
22.00 «Вести».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Кино сайёраси». Кинокўрсатув.
22.55 Жанна Маро «Дарбадар ёлқин» фильмида (Франция).
00.35 Клип-антракт.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс «Улимга маҳкумлар». Фантастик-детектив фильм.
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» КАНАЛИ 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
8.55 «Мураббий». Спорт дастури.
9.10 «Кафолат».
9.30 «Жаҳон театри».
9.45 «Мозийдан бир мўъжиза».
10.00, 12.00, 14.00. Янгиликлар.
10.05 «Меҳр қолур».
10.20 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари».
10.40 «Бугуннинг ўйлари».
11.00 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 47-серия.
11.15 «Талабалик йилларим».
11.35 Ўзбек куйларидан концерт.
12.05 «Маҳмадона». Мультфильм.
12.15 «Бизни кутар нурли манзиллар».
12.30 Кундузги сеанс: «Ў ўлдиришни ҳоҳламагандик». Бадиий фильм.
* * *
16.45 Кўрсатувлар тартиби
16.50 Янгиликлар.
17.00 Спорт дастури:
1. Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун V Халқаро турнири. Юнусобод теннис мажмуидан олиб кўрсатилади.
2. Футбол. Осиё кубоги эгалари Кубоги. «Пахтакор» — «Хўжанд». «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Ташаффус пайтида — «Омонлик тилаймиз».
19.50 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25, 20.55, 22.15. Эълонлар
20.30 «Ахборот».
21.00 «Диёр». Тележурнал.
21.40 «Кулгу ва қўшиқ кечаси». Мусиқий дастур.
22.20 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун V Халқаро турнири.
23.20 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
23.45 «Азиз симолар».
00.05 Бадиий фильм.
01.20—01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультфомоша.
18.20 Умид чечаклари.
18.35 Ислом ва ёшлар.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 Давр.
19.15 Шабнам.
19.30, 20.25, 22.15 Эълонлар.
19.35 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Бизнес-доктор.
21.00 Араб эстрадаси.
21.20 Мутаҳассис.
21.40 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун V Халқаро турнири кундалиги.
21.50 Автосалтонат.
22.00 Давр.
22.20 Синема. «Кулги қироли».
00.05 Спорт қитъаси.
00.35 «Мунаввар тонг истаб...».
00.45—01.05. «Дидар».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Дарақчи».
18.05 Мультконцерт.
18.25 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳза.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ҳамшаҳарлар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Жозиба».
21.20 Спорт оламида.
21.50 Тўйғулар.
21.55 ЎзТВ фильм фондидан. «Одам-амфибия» бадиий фильми.
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Кинонигоҳ.
00.40 «Дарақчи».
00.45 «Унутилмас қўшиқлар».
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим».

ЎзТВ-IV «Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Верма».
20.40 Эълонлар.
20.45 «Роксолана — султон асираси». Телесериал.
*
21.30 «Замонавий дизайн».
21.50 Клип-антракт.
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар» мукофоти антологияси».
22.45 «Оскар» совриндорлари: «Сьер-Мадрэ хазинаси». Бадиий фильм (1947 йил).
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Эълонлар.
01.10 Тунги сеанс «Ўлимга тенг олишув». (АҚШ).
02.40—02.45 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» КАНАЛИ 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳрух клуби».
9.20 «Оила — жамият пойдевори». 1-кўрсатув.
10.00 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 48-серия.
10.15 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.25 «Зиёрат».
10.35 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
11.20. Лирик тароналар.
11.50 «Болаликка бахшида умр».
12.10 Кундузги сеанс: «Парвариш». Бадиий фильм. 1-серия. (Ҳиндистон).
13.35 «Ҳатларда — ҳаёт акси».
14.00—14.30 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун V Халқаро турнири. Юнусобод теннис мажмуидан олиб кўрсатилади.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Мувозанат».
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 22.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.05 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун V Халқаро турнири.
23.05 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.30 Куй ва тасвир.
23.50 «Элвис ва мен». Бадиий фильм. 1-серия.
01.10—01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Ў ким? Бу нима?
9.20 Қўшиқ сеҳри.
*9.40

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

«ОМОН БЎЛ, ОНА ЮРТ, БУЮК ИСТИҚЛОЛ!»

Мамлакатимиз меҳнаткашлари истиқлолимизнинг етти йиллигини зўр шоду ҳуррамлик билан кутиб олганларига ҳали кўп бўлгани йўқ. Байрам руҳи, байрам шукуҳи ўлкамизда, шунингдек, Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам кезиб юрибди.

Илгари хабар қилганимиздек, ана шундай тадбирлардан бири жойларда ўтаётган «Омон бўл, она юрт, буюк истиқлол!» мавзусидаги маънавият ҳафталигидир.

Куни кеча Қибрай тумани марказий маданият уйида ўтказилган мушоира ҳам шу мавзуга бағишланди. Мушоирада вилоятимизда яшаб ижод қилаётган иқтидорли шоирлар Шарифа Салимова, Маҳмуд Тоиров, Умида Абдуазимова, Зарифа Эшмирзаева ва қибрайлик ёш ижодкорлар Шоира Қурбонова, Комила Қаршиевалар ўқиган она-Ватан, истиқлол неъматлари, юрт истиқболи, меҳр-муҳаббат мавзуидаги шеърлар йиғилганлар қалбига олам-олам завқу шавқ бағишлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбирларда таниқли адиблар, шоирлар ва олимлар билан бирга ёш ижодкорлар ҳам иштирок этишмоқда.

Худди шундай катта мушоира давраси кеча Паркент туманида давом этди.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ.

БАҒРИ КЕНГ ОСМОНИМ, ЭЙ, МЕҲРИ ҚУЁШ

Истеъдодли шоир Шукур Дадаш талабалик йилларидаёқ ўзининг «Тенгқурларим» достони билан кенг ўқувчилар оммасининг эътиборини қозонган.

Шоирнинг «Тенгқурларим», «Бувимнинг эртаклари», «Ўн беш баҳодир қиссаси», «Қутлуғ замин», «Кўнгил нидоси» каби шеърий тўпламлари чоп этилган. Унинг асарларида инсонийлик, Ватанга, дўстга садоқат, тўғрилик, ҳалоллик каби инсон учун энг зарур ҳислатларга эга бўлиш учун даъват этилган фалсафий фикрлар олға сурилган.

Бугун шоирнинг бир туркум янги шеърларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ОТАМГА

Қадрингиз билинар, отажон ҳар он,
Хоҳ шодлик кунимда, хоҳ бўлсам нолон.
Топмадим дунёда сизга ҳеч қиёс,
Бағри кенг осмоним, эй, меҳри қуёш.
Соғиндим, отажон, нурли юзингиз,
Мададкор эдингиз танҳо ўзингиз.

Умр ўтказдингиз содда, безавол,
Элу юрт ишқида тер тўкиб ҳалол.
Ором билмадингиз дилбандлар учун,
Шараф-ла бажариб оталик бурчин.
Соғиндим, отажон, жовдир кўзингиз,
Нажоткор эдингиз танҳо ўзингиз.

Оқ кўнгил эдингиз камтар, беозор,
Лафзда ҳалолу самимий дўст-ёр.
Ақлда дониш-у, оқил ҳар ишда,
Покиза, иймонли мисли фаришта.
Соғиндим, отажон, доно сўзингиз,
Ҳалоскор эдингиз танҳо ўзингиз.

Шукр дер, ризоман, тақдир ҳаётга,
Фарзанди содиқман Сиз улуғ зотга.
Умрим чироғисиз токи бор жоним,
Раҳматин ёғдирсин, тангри илоҳим.
Соғиндим, отажон, нурли юзингиз,
Мададкор эдингиз танҳо ўзингиз.

ДАВР БИР КЕЛАР

Кўккамас ерга боқ, ўзингдан кетма,
Мискинни оху деб ўзинг шер этма,
Биров манглайига жўн қисмат битма,
Умр ёмонни ҳам, яхшини элар, —
Омад доим келмас, давр бир келар.

Устоз ота эди ноҳақ хор этдинг,
Номардлар қилмишин касбу кор этдинг,
Иймонинг йўқотдинг, зарни ёр этдинг,
Умр ёмонни ҳам, яхшини элар, —
Омад доим келмас, давр бир келар.

Мағрурсан вақтинча тожу тахтингга,
Амал гадолари яшар бахтингга,
Ишонма, бугунги дадил шаҳдингга,
Умр ёмонни ҳам, яхшини элар, —
Омад доим келмас, давр бир келар.

Эй Шукур, чин инсон эзгулик тилар,
Ишонгил, адолат толеинг силар,
Дард нима, табибмас, чекканлар билар,
Умр ёмонни ҳам, яхшини элар, —
Омад доим келмас, давр бир келар.

ТЎРТЛИКЛАР

Шубҳаю ҳадикни солма дилингга,
Иғводан узоқ юр, олма тилингга.
Доим бос покиза жойга қадаминг,
Ўтади афсуссиз шунда ҳар даминг.

* * *

Боғбондан авлодга кўркам боғ қолди,
Эзгулик, инсофдан иймон соғ қолди.
Дўстим гиналарни унутдим аммо,
Кўнгил шишасида ҳира доғ қолди.

* * *

Қизиқ ҳол, энг совуқ, вахший мавжудот,
Илон захар солмас бири бирига.
Ҳасад шаробига қонса одамзод
Шай захрин сочмоққа ҳатто пирига.

* * *

Замин таҳсинида нур офтоб қолмиш,
Яхшидан эзгулик ва савоб қолмиш.
Боғбондан чаман боғ, ҳалолдан иймон,
Шоир-у, донодан илм, китоб қолмиш.

* * *

Эзгулик уруғин сепгил қалбларга,
Ҳосил умид қилмай холис, беминнат.
Қуёшдан ибрат ол, буюк заминга —
Таъмасиз тинмайин этади хизмат.

* * *

Тақдир қазосидан қолмайди омон,
Бу фоний дунёда яхшию ёмон,
Гар шундай эрсада бўламиз ҳамон —
Биримиз нишону биримиз камон.

Шукур ДАДАШ.

ҚАЙНИСИНИНГ ҚОТИЛИ

Жиноят ва жазо

ҚОДИР ака билан Жамолхон опалар тўрт қиз ва бир ўғилни тарбиялаб вояга етказишди. Ўсиб улғайган қизларини уйли-жойли қилишди. Бироқ, кенжа ўғил Салоҳиддин эндигина 12 ёшга қадам қўйганида ота-она олдинма кетин вафот этишди. Салоҳиддинни поччаси Норбой ака ўз тарбиясига олди. Опаси Собира укасини оқ ювиб, оқ таради. Ўз фарзандидек кўриб ўстирди, вояга етказди. Вақт соати келгач, бир бошини «иккита» қилиб, уйлантириб қўйди. Бироқ, Салоҳиддин опа билан поччанинг қилган яхшиликларини унута бошлади. Икки фарзандлик бўлгач, оилавий жанжал, келишмовчилик оқибатида хотинидан ажралди.

Ёмон йўлларга кириб кетмасин, оилали бўлса, қўйилиб қолар деган ўй-фикрда Салоҳидинни иккинчи марта уйлантириб қўйишди.

Лекин, вақт ўтиши билан Салоҳиддиннинг юриш-туриши айний бошлади, каттаю кичикни беҳурмат қиладиган, жиянларини қўртқитадиган, теварак атрофдагиларга озор берадиган қилиқ чиқарди. Опа билан почча қанчалик насиҳат қилмасин, ялиниб-ёлвормасин, фойда бермади. Оқибатда жиноий ишга қўл урган Салоҳиддин 19 ёшида тиконли сим ортига тушди. Қамоқдан бўшаб келгач, аҳлоқини тузатиш ўрнига, ҳаддидан баттар ошди. Фойдали меҳнат билан шуғулланмади, аксинча қинғир ишларга қўл урди, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишни ўрганди. Яна икки маротаба суднинг «қора курси»сида ўтирди.

Ва ниҳоят, ўтган йилнинг 6 декабрида жазо муддатини ўтаб, тўғри опасиникига келди. 2 кун ўтгач, опасига участка нозирига учрашим керак, дея уйдан чиқиб кетди. Орадан 22 кун ўтди, аммо, Салоҳиддиндан хабар бўлмади, ҳатто, қариндошуруғиникига ҳам бормаганлиги маълум бўлди. Буни қарангки, янги йил оқшомида тўсатдан кайфи «тароқ» Салоҳиддин қўлида бир шиша вино билан поччасининг ҳузурига кириб келди. Яхши ниятлар билан янги йил қарши олинди, шишалар бўшатилди. Бир пайт Салоҳиддин кайфи ошиб, жияни Санжарга тегажоқлик қилиб, куракда турмайдиган сўзлар билан ўсмирни ҳақоратлай бошлади, ароқ ичасан, деб тиқилинч қилди. Отаси орага тушди. Кўзлари чақчайиб, юзидан заҳар томиб турган Салоҳиддин ҳаёлига бир фикр келди-ю, бирдан мулойимлашиб қолди. Бир соатлар ўтгач поччасига: «юринг қариндошларни табриклаб келайлик, шундай қилсак, меҳр ортади», дея қистай бошлади.

Норбой ака ноилож рози бўлди. Кўчага чиқишдан олдин почча ҳар эҳтимолга қарши симдан ясалган дастакли қамчинни тўнининг енгига яшириб олди. Уйдан чиқишгач, икковлон шаҳар марказий касалхонасидан сал ўтишган ҳам эдики, Салоҳиддин гап бошлади. «ҳозир почча мен сизни ўлдираман, кейин қишлоқда ҳам биттаси бор... Сизлар мени қамоқда йўқ бўлиб кетади, деб ўйлаган бўлсаларинг керак, ҳамма душманларимни йўқотаман», деди.

Шундай деди-ю, қўлини чўнтагига солди. Бундай ҳатти-ҳаракатдан хавфсираган почча қайнисининг юзига мушт туширади. Бу зарбдан йиқилган Салоҳиддинни тепкилай бошлайди, шартта енгига яшириб қўйилган қамчинни олиб, ерда ётган қайнисини тўғри келган жойига тушираверди...

Ҳушидан кетиб қолган Салоҳиддинни судраб, Сирдарё қирғоғига олиб келди ва сувга ташлаб юборди. Ҳеч нарса бўлмагандек, уйига қайтиб келди.

Салоҳиддиннинг жасади 1 январь куни Сирдарёдан топилди. Уйга қайтган Норбой ака хотинига: «укангни машинага ўтқазиб, қариндошларникига жўнатиб юбордим, биров сўраб қолса, укам бизникига келгани йўқ, дегин» деб тайинлайди. Аммо, жиноят тезда фош қилинди. Ашёвий далил топиш учун Норбой аканинг хонасида тинтув ўтказилганда, қамчин ва оғирлиги 22 грамм келадиган гиёҳванд ўсимликнинг барги яшириб қўйилганлиги маълум бўлди. Уй эгаси барларни қайним олиб келиб қўйган эди, бир-икки марта чекканман дея тан олди.

Ш. Тожибоев раислигида бўлиб ўтган Бекобод шаҳар судининг очиқ мажлисида қайнисини ўлдирган Н. Расулов 10 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилди. Жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташи белгиланди.

Адолат қарор топди. Шу жойда нуқта қўйсак ҳам бўлади. Лекин, ушбу жиноятнинг содир бўлмаслиги, унинг олдини олиш мумкинмиди? Бизнингча, мумкин эди.

Чунки, Салоҳиддиннинг «кўрнамаклиги», ёмон йўлга кириб кетаётганлигини кўрабила туриб на опа, на поччаси тегишли жойларга хабар қилмади. Бу ерда 13 даҳа участка нозирларининг ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлганликларини ҳам айтиб ўтиш керак.

Анча йиллардан буён Расуловлар оиласи 2-уйнинг 10-хонадонида рўйҳатдан ўтмасдан яшаб келганлар. Бунинг устига хонада гиёҳванд моддалар сақланган. Паспорт тизими тадбирини мунтазам текширувдан ўтказиб туришганда эди, юқоридаги нохуш аҳвол юз бермаган, Собира опанинг беш нафар фарзанди тирик етим бўлиб қолмаган бўлармиди?

Қолаверса, қўни-қўшнилар, маҳалла фаоллари вужудга келаётган бундай ҳолатлардан бехабар бўлмасалар керак. Сиз нима дейсиз, ҳурматли газетхон?

Б. КОМИЛОВ,
Бекобод шаҳар прокурори ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

«ДЎСТЛИК»: ИККИ ЎЙИНДА 8 ТЎП, 6 ОЧКО

Ўзбекистон Республикаси 7-миллий чемпионати олий табақа жамоаларининг 19-тур учрашувлари ўтказилди.

Тошкент вилоятининг ҳар икки вакили учун бу тур муваффақиятли ўтди.

«Дўстлик» жамоаси олдинги учрашувда «Косонсой»ни 4:2 ҳисобида мағлуб этган бўлса, бу сафар мамлакат чемпиони пойтахтнинг МҲСК жамоаси билан учрашиб, янада яхши натижага эришди. Улар учрашувнинг 1-бўлимидаёқ рақиблар дарвозасини «ўққа» тутдилар ва майдонда тўла устунликка эришдилар. Учрашувнинг 3-дақиқасида Хабибулин, 35-дақиқасида эса Ғалиянов рақиб дарвозасини аниқ нишонга олдилар ва ўз жамоаларини 2:0 ҳисобида олдинга олиб чиқдилар. «Дўстлик» ҳужумчилари рақиблар дарвозасига яна икки тўп йўлладилар. Учрашувнинг 37-дақиқасида «Дўстлик» ўйинчиси Винтовкин 11 метрлик жарима тўпини рақиб дарвозасига кирита олмади. Армиячилар майдон эгалари дарвозасини 1 маротаба ишғол қилдилар, холос. Ўйин 4:1 ҳисобида майдон эгаларининг йирик ғалабаси билан якунланди.

Бекободнинг «Металлург» жамоаси ҳам ўтган турда «Андижон»ни ўз майдонида 4:2 ҳисобида мағлуб этган бўлса, бу сафар Кўқонда «Темирйўлчи» меҳмони бўлиб, 10-дақиқада ҳисобни очдилар ва олдинга чиқиб олдилар. Лекин учрашувни ғалаба билан якунлай олмадилар. Чунки улар ўз жарима майдонларида қўпол хатога йўл қўйдилар ва ҳакам 11 метрлик жарима тўпи белгилади. «Темирйўлчи» бу имкониятдан фойдаланиб, ҳисобни тенглаштирди. Учрашув охиригача 1:1 ҳисоби ўзгармади.

Мамлакатимизнинг бир неча бор чемпиони Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ўз майдонида «Косонсой» жамоасини 7:2 ҳисобида мағлуб этди.

Тошкентнинг «Трактор» жамоаси ўз майдонида «Навбаҳор»ни қабул қилиб ғалаба қозониши мумкин эди. Улар биринчи бўлиб ҳисобни очдилар, лекин учрашувнинг 85- ва 89-дақиқаларида ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юбордилар, натижада учрашув 3:2 ҳисобида меҳмонлар фойдасига якунланди.

«Андижон» ўз майдонида «Зарафшон» жамоаси дарвозасига 5 та жавобсиз тўп киритиб, йирик ҳисобда ғалаба қозонди.

«Бухоро» — «Хоразм» учрашувида 4:2 ҳисоби қайд этилди.

Термизнинг «Сурхон» жамоаси Жиззахда «Сўғдиёна»ни доғда қолдирди. Улар майдон эгалари дарвозасига икки тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 1 тўп ўтказиб юбордилар, ҳамда 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

«Насаф» — «Пахтакор» учрашуви кечиктирилди.

Кеча 20-тур ўйинлари ўтказилди. «Дўстлик» Қаршида «Насаф» меҳмони бўлди, «Металлург» ўз майдонида «Бухоро» жамоасини қабул қилди. Наманганда шу турнинг энг муҳим учрашуви ўтказилди. Унда «Навбаҳор» — «Нефтчи» жамоалари учрашди.

ХІХ ТУРДАН СЎНГ ЖАМОАЛАРНИНГ ЖАДВАЛДА ТУТГАН ЎРНИ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	18	13	3	2	50-17	42
2. «Пахтакор»	17	13	3	1	47-16	42
3. «Навбаҳор»	18	12	3	3	40-15	39
4. «Сўғдиёна»	19	11	1	7	38-27	34
5. «Насаф»	18	8	6	4	27-14	30
6. «Темирйўлчи»	19	8	4	7	33-39	28
7. «Сурхон»	19	8	3	8	34-33	27
8. «Дўстлик»	18	6	7	5	33-23	25
9. «Андижон»	19	7	3	9	34-34	24
10. «Бухоро»	18	7	3	8	25-26	24
11. «Зарафшон»	18	7	3	8	25-30	24
12. «Хоразм»	19	6	5	8	22-33	23
13. «Трактор»	19	5	5	9	22-33	20
14. «Металлург»	19	4	5	10	25-39	17
15. «Косонсой»	19	2	4	13	21-45	10
16. МҲСК	19	0	4	15	14-65	4

Талъат ЮСУПОВ.

БОЛАБОҒЧАЛАР ТЕННИС ЎЙНАМОҚДА

ЗАНГИОТА туманидаги 16-болалар боғчасида кичкинтой болажонлар теннис сирларини ўргана бошлаганларига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо, теннис уларнинг севимли машғулотларидан бирига айланиб қолди. Бу ишни амалга оширишда боғча жамоасига 45-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Жўра Шохидов яқиндан кўмаклашмоқда.

СУРАТЛАРДА: боғча тарбиячиси Мавлуда Жўраева кичкинтойлар билан жисмоний тарбия машғулотини ўтказмоқда. Пастдаги суратда эса боғчанинг ёш теннисчилари.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.



ПСКЕНТЛИК ПОЛВОНЛАР ҒОЛИБ БЎЛДИЛАР

ПСКЕНТ азал-азалдан полвонлар юрти. Яқинда шаҳардаги истироҳат боғида тумандаги «Пскент» хўжалиги ташқи бошқаруви раҳбари М. Авазов ва туман спорт қўмитаси раиси, миллий кураш устаси Эркин Мусаевларнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан 60 га яқин полвонларнинг беллашуви бўлиб ўтди.

Бу ерга Паркент, Оққўрғон, Жиззах вилоятининг Еттисой туманлари ҳамда Олмаликдан, Тошкентдаги жисмоний тарбия олийгоҳидан полвонлар таклиф этилган эдилар.

Мусобақа ғоят кескин ва қизиқарли ўтди. Унда пскентлик Абдурасул полвон, Олимбек полвон, Шерзод полвонларнинг қўли баланд келди. Улар мана-ман деган полвонларнинг курагини ерга тегиздилар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Собиржон ИНОМОВ.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, 12-16 сентябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Айрим худудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кейинчалик йўналишини ўзгартириб, шимолдан эса бошлайди. Дастлаб ҳаво ҳарорати кечалари 11-16, кейинчалик ҳарорат пасайиб, кечалари 8-13, кундуз кунлари 22-27 даража иссиқ бўлади.

Республика агросаноат универсал биржасида 1998 йил 15-22 сентябрь кунлари эрталаб соат 10.00 да банкрот бўлган корхона — «Янгийўлканоп» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 6.229.500 сўмлик мулклари кимошди савдосига қўйилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Зарбдор кўчаси, 24.

«Ўзавтолицензия» республика бошқармаси жамоаси Тошкент вилояти бўлими бош эксперти **Аҳрор Раҳматович ТОШХЎЖАЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Янгийўл ёғ-мой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши акциядорларга шуни маълум қиладики, 1998 йил 17 октябрь эрталаб соат 8.00 да Янгийўл маданият уйи биносида (манзили: Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 352) «Янгийўл ёғ-мой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлади.

Акциядорларни рўйхатга олиш шу куни эрталаб соат 7.00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 августдаги 361-сонли қарорини бажара бориб, жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 30 июндаги 272-сонли қарорига ва Тошкент вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 1998 йил 10 июлдаги буйруғига мувофиқ давлат акцияларининг улуши қисқариши муносабати билан жамият низомига ўзгартиришлар киритиш.
3. Жамият кузатувчи кенгашининг таркибини қайтадан кўриб чиқиш ва янги аъзоларни сайлаш.
4. Жамиятнинг низом сармояси жамғармасини кўпайтириш ва шу муносабат билан низомга ўзгартиришлар киритиш.
5. Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 1998 йил 9 ойидаги якунлари тўғрисида директорликнинг ҳисоботи.

Акциядорлар кун тартибидаги масалалар бўйича қўшимча ахборотни қуйидаги манзилда олишлари мумкин: Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 352. «Янгийўл ёғ-мой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, телефон: 2-63-94.

«ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КУЗАТУВЧИ КЕНГАШИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0316. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6